



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 73 (13.920)

Баҳос эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ УЗЛУКСИЗ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда истиқболли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятини самарали йўлга қўйиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Шу билан бирга, улғайиб келаётган ёш авлоднинг илм эгаллашга бўлган иштиёқи ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, шунингдек, халқаро майдонда мамлакатимизнинг нуфузини янада юксалтириш учун иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуksиз тизimini тақомиллаштириш зарурати мавжуд.

Ёшларни амалга оширилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш, илм-фанни ўзлаштиришга бўлган рағбатини ошириш, изланувчанлик ва яратувчанлик фаолиятига кенг жалб қилиш, жаҳон миқёсида Ватанимиз довуруғини кенг таратган аждодларга муносиб авлодни тарбиялаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимини белгиланган штатлар сони доирасида ушбу вазирлик тузилмасида 14 та штат бирлигидан иборат **Фан олимпиадалари бўйича иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш департаменти** (кейинги ўринларда – Департамент) ташкил этилсин.

2. **Қуйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:**

иқтидорли ўқувчи-ёшларни аниқлаш, улар фаолиятини илмий ва услубий жиҳатдан таъминлаб бориш, соҳада илғор тажрибаларни оммалаштириш ва улар асосида таълим муассасалари учун тавсия ва қўлланмалар ишлаб чиқиш; умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида маҳаллий ва халқаро, шу жумладан, нодавлат фан олимпиадаларини ташкил этиш, уларнинг халқаро олимпиадалардаги иштирокини таъминлаш;

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафқуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиш мумкин.

Шу билан бирга, жаҳонда гоёвий-мафқуравий курашлар кескин давом этаётган, маънавий таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги даврда ёшлар ўртасида миллий кадриятларга бепасандлик, зарарли ёт гоёлар таъсирига берилиш, жиноятчилик ва экстремизм ҳаракатларига адашиб қўшилиб қолиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда.

Маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, маънавий соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, жамиятда мафқуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятига яқиндан қўмақлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар Республика Маънавият ва маърифат кенгаши (кейинги ўринларда Республика кенгаши деб юритилади) фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

аҳоли ўртасида **фаол фуқаролик позициясини** шакллантириш, жамиятда миллий ва умуминсоний кадриятларга асосланган **демократик тамойилларни** қарор топтириш;

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Авал хабар берилганидек, 2019 йил 3 май кўни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси иш бошланди.

Ялпи мажлисда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Раиси Нияматилла Йўлдошев олиб борди.

Ялпи мажлис кун тартиби тасдиқланганидан кейин сенаторлар қўриб чиқилаётган масалаларни муҳокама қилишга киришдилар.

Сенаторлар ишни "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳокама қилишдан бошладилар. Ҳужжат давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини шакллантириш мақсадида ишлаб чиқилгани таъкидланди. Қонунда давлат-хусусий шерикликнинг ушбу соҳадаги асосий принциплари ва йўналишлари белгиланмоқда, давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш шартлари ва тартиби келтирилмоқда. Жумладан, қонунга биноан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддати 49 йилни ташкил этади.

Қонунда хусусий шерик тендер ёки тўғридан-тўғри музокаралар асосида саралаб олиниши назарда тутилмоқда. Бунда бир босқичли ва икки босқичли тендер ўтказиш тартиби белгиланмоқда: умумий қиймати бир миллион АҚШ долларига қадар бўлган давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича бир босқичли тендер ўтказилади (у дастлабки малакани аниқлаш ва тендер қолибини саралаш босқичларини ўз ичига олади).

Қонун муҳокамасида таъкидланганидек, давлатнинг мудофаа қобилиятини ва хавфсизлигини таъминлашда, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишнинг зарурий шарти ҳисобланган интеллектуал фаолият натижаларига доир мутлақ ҳуқуқлар, бошқа мутлақ ҳуқуқлар, ер участкаси, бошқа кўчмас мол-мулк объекти ва ўзга мол-мулк муайян шахсга тегишли бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан белгиланган ҳолларда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни давлат шеригининг қарорига мусофиқ тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш асосида тендер ўтказмасдан тузиш мумкин.

Бундан ташқари, қонунда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг амалга оширилиши юзасидан мониторинг ва ҳисобдорлик тартиби, давлат-хусусий шерикликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш механизмлари белгиланмоқда.

Давлатнинг маблағ (грантлар, субсидиялар) билан иштирок этиши, солиққа оид ва бошқа имтиёзлар, активлар, қарзлар тарзидаги қўйилмалар, давлат қаролатлари унинг асосий турлари ҳисобланади. Қонун маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битимларга ва давлат харидлари соҳасига таъкид этилганлиги назарда тутилмоқда.

Қонун ижтимоий муҳим вазифаларни ўзaro фойдали шартлар асосида ҳал қилиш учун давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини ривожлантиришга қўмақлашни қўйиб қўйди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қону-

нини қўриб чиқдилар. Ҳужжат урбанизация жараёнларини тубдан тақомиллаштиришга қаратилганлиги таъкидланди.

Қонунда ер участкаларини хусусийлаштириш соҳасидаги ваколатли органлар – Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, "Ергеодекадастр" қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Урбанизацияни ривожлантириш жамғармасининг асосий вазифалари белгилаб берилмоқда.

Шунингдек, ер участкаларини хусусийлаштириш тартиби ва хусусийлаштирилган ер участкаларининг ҳуқуқий мақоми тартибга солинмоқда. Юридик шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ёки улар томонидан хусусийлаштирилаётган бинолар ва иншоотлар, ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари жойлашган ер участкалари, шунингдек, уларга туташ бўлган, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур ўлчамлардаги ер участкалари, яқка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкалари жойлашган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш имконияти назарда тутилмоқда.

Қонунга қўра тасдиқланган ва эълон қилинган режалаштириш схемалари бўлмаган ҳудудларда, фойдали қазилмалар қонлари жойлашган ер участкалари, давлат мулкидаги стратегик объектлар, табиати муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадлари ва тарихий-маданий мақсадлар учун мўлжалланган ерлар таркибига кирувчи ер участкалари, шунингдек, ўрмон ва сув фондларининг ерлари, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари иштирокчиларига берилган ер участкалари хусусийлаштирилмайди.

Қонунда белгилаб қўйилишича, чет эллик фуқаролар ва юридик шахслар (норезидентлар), фуқаролиги бўлмаган шахслар, агар Ер кодексида ва халқаро шартномаларда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, хусусийлаштирилган ер участкаларини олиш ҳуқуқига эга эмас. Қонун нормаларида ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар Урбанизацияни ривожлантириш жамғармасига йўналтирилиши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, қонунда мустаҳкамлаб қўйилишича, хусусийлаштирилган ер участкалари хусусий мулк ва фуқаролик муомаласи объектлари ҳисобланади, хусусий мулк ҳуқуқи эса дахлсиздир ва у давлат томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ химова қилинади. Ҳужжатда хусусийлаштирилган ер участкасини олиб қўйишга фақат мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича ундирув ушбу ер участкасига қаратилганда, шунингдек, национализация, реквизиция ва мусодара қилиш тартибида йўл қўйилади. Национализация қилиш фақат давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ҳамда ер участкаси мулкдорининг розилиги олинганда амалга оширилади, бу томонлар ўртасида тенг шартлар асосида тузиладиган ер участкасининг олди-сотди шартномаси билан расмийлаштирилади. Хусусийлаштирилган ер участкаси табиий офатлар, фалокатлар, эпидемиялар, эпизоотиялар ҳолларида ва фавқулодда ҳусусиятга эга бўлган бошқа ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан вақтинчалик олиб қўйилиши (реквизиция қилиниши) мумкин. Сенаторлар қонунни маъқулладилар.

Сўнгра "Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни сенаторлар томонидан муҳокама этилди. Қонунда давлат сиёсатининг асосий йўналиш-

лари назарда тутилмоқда, у қуйидагилардан иборат: соҳадаги устувор йўналишларни белгилаш ва давлат дастурларини қабул қилиш; мамлакатнинг энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлаш, ёқилғи-энергетика балансининг қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда электр, иссиқлик энергияси ва биогаз ишлаб чиқаришга доир қисмини диверсификациялаш; қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасига инновацион технологияларни, илмий-техникавий ишланмаларни жорий этиш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг энергия самарадорлигини ошириш, уларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш.

Шунингдек, давлат органлари – Вазирлар Маҳкамаси, Энергетика вазирлиги, ушбу соҳадаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатлари, қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчиларнинг ва қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгиланмоқда. Бунда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари назарда тутилмоқда.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчиларга қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларига (номинал қуввати 0,1 МВт ва ундан ортик бўлган) мол-мулк солиғини тўлашдан ва ушбу қурилмалар билан банд бўлган участкалар бўйича ер солиғини тўлашдан улар фойдаланишга топширилган пайдан эътиборан ўн йил муддатга озод этиш шаклида имтиёзлар ва преференциялар берилди. "Ўзбекидирозенерго" акциядорлик жамияти таркибидagi қорхоналарга реализация қилинадиган энергия ҳамжамли бўйича қўшимча қиймат солиғи тўлашдан озод этилади. Бундан ташқари, қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ишлаб чиқарувчилар давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан беш йил муддатга солиқнинг барча турини тўлашдан озод этилади.

Шунингдек, қонунда белгилаб қўйилишича, амалдаги энергетика ресурслари тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган яшаш учун мўлжалланган жойларда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланувчи шахсларга эгаллигидаги мол-мулк муқобил энергия манбалари ўрнатилган ойдан эътиборан уч йил муддат жисмоний шахслардан олинмайдиган мол-мулк солиғи солинмайди.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланмоқда. Жумладан, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва биогаз ишлаб чиқаришда биогаз биомассадан шахсан фойдаланиш учун ишлаб чиқариш чоғида руҳсат бериш ҳужжатлари олиш талаб этилмайди. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан электр энергияси ишлаб чиқарувчилар блок-станциялар шартлари асосида ягона электр энергетика тизими тармоқларига улашни мумкин, ушбу манбалардан иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчиларга эса қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини худудий ва магистрал иссиқлик тармоқларига улаш таққиланади. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, мувофиқликни баҳолаш масалалари ҳам назарда тутилмоқда.

(Давоми 3-бетда)

XXI аср саҳоси

Барча мавбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Пойтахтимизда Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда "ОАВ демократия учун: Глобал ўзгаришлар жараёнида журналистика. Ҳақиқат ва нотўғри ахборот, профессионализм ва номусоиблик" мавзусида халқаро медиа-форум бўлиб ўтди.

● Самарқандда "Хавфли ўсмаларни доволашда мултимода ёндашув" мавзусида Ўзбекистон онкологларининг XV илмий-амалий конференцияси бошланди. Унда юртимиз онколог ва радиологлари билан бирга дунёнинг 10 дан ортик давлатидан юқори малакали шифокорлар, олимлар ва мутахассислар иштирок этимоқда. Конференция шўба йиғилишларида иштирокчилар томонидан онкологик касалликларни замонавий тех-

нологиялар асосида доволаш, беморларга юқори самарали тиббий хизмат кўрсатиш бўйича долзарб мавзулардаги маърузалар тингланди.

● Янги инновацион гоёларни ўзида мужассам этган Ўзбекистон мудофаасига қўмақлашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Наманган вилояти кенгаши тасарруфидаги Наманган шаҳар ўқув-спорт клуби фойдаланишга топширилди. Клуб мажмуаси 17 та назарий ўқув хонаси, 2 та лаборатория – амалий ўқув машғулоти хонаси, маънавият ва маърифат хонаси, ишчи ва хизматчилар, ўқувчиларнинг маданий дам олиш хоналари, ўқув машқи майдони (автодром), техник назорат маскани ва бошқа қўллаб зарур техник-хўжалик иншоотларини ўз ичига олган. Ҳар бири 25 нафар ўқувчига мўлжалланган ўқув хоналари инновацион гоё ва технологиялар асосида жиҳозланган.

● Хоразм вилояти туманларида "Паррандасаноат" уюшмаси томонидан паррандачилик технологиялари бўйича дунёнинг етакчи ишлаб чиқарувчиларидан бири – "ТЕХНА" компанияси билан ҳамкорликда паррандачиликни янада ривожлантиришга бағишланган семинарлар ташкил этилди. Паррандачилик қорхоналари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган семинарларда паррандачиликни ривожлантиришда замонавий технологияларнинг аҳамияти, афзалликлари ҳамда самарадорлиги хусусида тақдиротлар қилинди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Москвадан Мурманск областига парвоз қилган "Суперджет" номига олган SSJ – 100 русумли самолёт самодгаги носозликлар, жумладан ёнгин чиққанлиги туфайли Шереметьево аэропортига қаттиқ қўниши натижасида ҳаво кемасининг дум қисмида кучли ёнгин рўй берган. Автохалокат боис самолётдаги 78 нафар кишидан 41 нафари, жумладан 1 та учувчи ҳалок бўлган, 33 киши эса кутқариб олинган. Ҳалок бўлганлар орасида бир нафар америкалик фуқаронинг ҳам бўлганлиги айтилмоқда. Дастлабки таҳминларга қўра, самолётда ёнгин чиқишига яшин тушганлиги сабаб бўлган. Ушбу авиоҳалокат қурбонлари хотираси учун Мурманск областида уч кунлик мотам эълон қилинди.

● Рим папаси Франциск конфессиялар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш мақсадида апостол ташири билан кеча Болгарияга келди. Рим папаси Болгариядан кейин Шимолий Македонияда Европа мамлакатлари бўйлаб ўз таширини давом эттиради.

● Лондонда аънавий қаҳва фестивали бўлиб ўтди. Унда соҳа усталари янги дамланган қаҳва устида сержило нақшлар пайдо қилиш бўйича баҳс юртишди. Қизиқарли беллашувада непаллик иштирокчига тенг келадиганлар топилмади.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● Тошкент шаҳар "Махсустрас" давлат унитар қорхонаси томонидан Шайхонтоҳур туманида янги замонавий ер ости модулининг қурилиши ишлари бошланди. Абдулла Қодирий ва Абай қўчалари кесимида қурилаётган энгил тўрадаги чиқинди ташлаш шохобчаси бузғун бутун дунёда тарғиб этилаётган атроф-муҳитни ифослантиришнинг олдини олиш бўйича замонавий тажриба саналади. Мақсуд модул Тошкент шаҳрида учинчиси бўлиб, аввалроқ бу каби чиқинди ташлаш шохобчалари Яшнобод ва Юнусобод туманларида барпо этилган.

● Тошкентдаги NEXT кўнгулчар мажмуасида Маркази Осиё мотоциклчилари мажмуининг очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда маросимда ўзбек спортчиларидан ташқари Россия, Тожикистон, Қозғистон, Қирғизистондан 300 нафарга яқин ҳаваскор ва профессионал мотоциклчилар иштирок этди.

● Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида Гулзор Султонованинг шахсий кўрғазмаси очилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ
КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ УЗЛУКСИЗ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

юқори малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда олимпиадалар учун доимий янги назорат материалларини ишлаб чиқиш;

халқаро олимпиадалар иштирокчиларини юқори малакали мутахассислар, шу жумладан, олимлар, профессор-ўқитувчилар, хорижлик мутахассисларни жалб қилган ҳолда тайёрлаш, инглиз тили ва рус тили фанларидан мулоқот қилиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида махсус курслар ташкил этиш;

олимпиадаларда юқори натижаларни қайд этган иқтидорли ўқувчиларнинг келгусидаги фаолиятини мониторинг қилиб бориш ва қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш.

3. Қуйидагилар:

Ҳолида давлат олий таълим муассасаларига тест синовисиз ва қўшимча имтиҳонсиз қабул қилинадиган халқаро олимпиадалар рўйхати (кейинги ўринларда – халқаро олимпиадалар) 1-иловага мувофиқ;

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ўтказиладиган қўшимча республика олимпиадалари рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда давлат таълим стандартлари ўқув дастурлари ва режаларида белгиланган фанлар ҳамда уларга ажратилган ўқув соатларидан келиб чиққан ҳолда асосий олимпиадалар ўтказиладиган фанлар рўйхатини тасдиқласин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб:

асосий олимпиадаларнинг республика босқичида 1-3 ўринларни эгаллаган иштирокчиларга ихтисослик фани бўйича давлат олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида максимал балл олиш ҳуқуқини берувчи ва уч йил муддат давомида амал қилувчи сертификат тақдим қилинади;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Фанлар академияси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда олий таълим муассасасига қабул қилинган олимпиада ғолибларига "устоз-шоғирд" тизими асосида тегишли соҳада юқори натижаларга эришган малакали мутахассислар бириктирилади.

5. Белгилансинки:

а) халқаро олимпиадалар ғолиблари ва уларнинг ўқитувчилари энг кам ойлик иш ҳақининг қуйидаги миқдорларида бир марталик пул мукофотлари билан тақдирланади;

1-ўрин (олтин медаль) учун – 500, ўқитувчисига – 450 баравари;

2-ўрин (кумуш медаль) учун – 300, ўқитувчисига – 250 баравари;

3-ўрин (бронза медаль) учун – 200, ўқитувчисига – 150 баравари;

б) асосий олимпиадалар республика босқичи ғолибларининг ўқитувчилари энг кам ойлик иш ҳақининг қуйидаги миқдорларида бир марталик пул мукофотлари билан тақдирланади:

1-ўрин учун – 50 баравари;

2-ўрин учун – 35 баравари;

3-ўрин учун – 30 баравари;

в) халқаро олимпиадалар ғолибларини тайёрлаган ўқитувчилар ва таълим муассасаси директорларига навбатдаги ўқув йили учун директор жамғармасидан олтин, кумуш ва бронза медаллари бўйича тегишчан қўшимча 200, 175 ва 150 физик устама тўланади;

г) таълим муассасаларида ўқитувчи бўлиб фаолият юритётган:

халқаро олимпиадалар ғолиблари лавозим маошига ҳар ой 150 физик;

асосий олимпиадалар республика босқичи ғолиблари лавозим маошига ҳар ой 100 физик устама ҳақи тўланади;

д) олий таълим муассасасини тамомлаган олимпиада ғолиблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармаси томонидан шакллантириладиган истиқболли мутахассислар захирасига киритилади.

6. Департамент Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим мактабларининг 4-11 синф, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун ҳар чорақда онлайн тарзда олимпиадалар ташкил қилиш орқали иқтидорли ўқувчилар захирасини шакллантирсин ҳамда захирга киритилган ёшлар учун Халқ таълими вазирлиги веб-сайти орқали ҳар ойда чуқурлаштирилган назорат материаллари, шу жумладан, тест, ёзма ишлар учун масалалар етказиб борилишини таъминласин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

а) асосий олимпиадаларни ташкил қилиш ҳамда халқаро олимпиадалар учун иштирокчиларни саралаш ва тайёрлаш харажатлари;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маб-ларлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайрия-

лари, халқаро молия ташкилотлари ва хорижий давлатларнинг грантлари ҳамда техник кўмаклашиш маб-ларлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;

б) ўқувчи-ёшларнинг халқаро олимпиадалардаги иштирокчи таъминлаш билан боғлиқ, шу жумладан, сут-калик, яшаш ва транспорт харажатлари Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Ривожлантириш жамғармаси маб-ларлари ҳисобидан;

в) асосий ва халқаро олимпиада ғолиблари ҳамда уларнинг ўқитувчиларига тўланадиган бир марталик пул мукофотлари ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларида ўқитувчи бўлиб фаолият юритётган олимпиадалар ғолиблари лавозим маошига тўланадиган устама ҳақлари билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маб-ларлари ҳисобидан амал-га оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирли-ги:

Халқ таълими соҳасидаги ислохотларга кўмаклашиш жамғармаси маб-ларлари ҳисобидан 2019 йил 1 август-га қадар барча босқичдаги олимпиадалар бўйича маълумотлар, шу жумладан, олимпиадалар учун танланган назорат материаллари, иқтидорли ўқувчилар захира-си, олимпиада иштирокчилари, ғолиблари, уларга би-риктирилган ўқитувчилар ҳисобини юритувчи ахборот тизимини ишга туширсин;

бир ой муддатда Департамент зиммасига юкланган вазифаларни самарали ва юқори профессионал дара-жада бажаришга қодир малакали, чуқур билим ва юк-сақ маънавий-ахлоқий фазилатларга эга ходимлар бил-ан тўлдириш, моддий-техника базасини шаклланти-риш чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда таркибда олий таълим му-ассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда ўқувчи-ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини намойён эти-шига қўшимча шароитлар яратиш мақсадида олий таъ-лим муассасалари томонидан ҳар йили ўтказиладиг-ан олий таълим муассасалари олимпиадалари-нинг режа-жадвалини тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазир-лиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазир-лар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази уч ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар кол-лежлари ўқувчилари ўртасида фан олимпиадаларини ташкил этиш, ўтказиш ва халқаро олимпиадалар иш-тирокчиларини саралаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИМАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқти-содий, ижтимоий, маънавий-маърифий ислохотлар-нинг, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг маз-мун-моҳиятини кенг жамоатчиликка самарали ет-казиш;

оила, маҳалла, таълим муассасалари ва меҳнат жа-моаларида ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ва соғломлаштиришга қаратилган фаолиятда иштирок этиш, "маҳалла-туман-вилоят-республика" прин-ципи асосида ҳудудлар кесимидаги ижтимоий-маънавий муҳит харитасини шакллантириш, бу жа-раёнга замонавий ахборот-коммуникация технология-ларини кенг жорий этиш;

"Жаҳолатга қарши маърифат" фояси асосида жа-миятда узлуksиз маънавий-маърифий тарбия ва тарбиёт-ташвиқот ишларини ташкил этишнинг стратегик йўналишлари, таъсирчан, креатив ва ин-новацион услубларини ишлаб чиқиш;

тинчлик ва осойишталикка, мамлакатимизнинг бар-қарор тараққиётига, қадрият ва урф-одатларга ҳамда инсонпарварлик ғояларига ҳавф солувчи турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши самарали тарбиёт иш-ларини олиб бориш;

аҳолининг ижтимоий-маънавий ҳаётида бунёдкор-лик ғояларини кучайтириш, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик муҳитини янада мустаҳкам-лаш.

2. Ўзбекистон Республикасида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, аҳолининг ин-теллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтиришга, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда – Чора-тад-бирлар дастури) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Республика Маънавият ва маърифат кен-гашининг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлар (шаҳар-лар) ҳокимлари – Қорақалпоғистон Республикаси, ви-лоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлар (шаҳарлар) Маъ-навият ва маърифат кенгашилари (кейинги ўринларда – ҳудудий кенгашлар) раислари ўн кун муддатда ҳудуд-ий кенгашлар таркибини қайта тасдиқласин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: Республика кенгашининг йиғилиши бир йилда бир марта Республика кенгаши раиси, бошқа вақтларда эса заруратга қараб Республика кенгаши раисининг ўринбосарлари томонидан ўтказилади;

ҳудудий кенгашларнинг йиғилишлари ҳудудий кен-гашлар раислари томонидан ҳар ярим йилда бир мар-та ўтказилади;

Республика Маънавият ва маърифат маркази (кейин-ги ўринларда – Марказ) Республика кенгашининг, унинг ҳудудий бўлими ва бўлинмалари тегишли ҳудуд-ий кенгашларнинг ишчи органлари ҳисобланади.

6. Марказ:

а) Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим ва-зирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта мах-сус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази билан бирга-ликда уч ой муддатда қуйидагиларни назарда тутган ҳолда, Узлуksиз маънавий тарбия концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

маънавий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторлари;

бола тарбиясида миллий тарбия методлари ва за-монавий педагогиканинг илгор ютуқларидан самарали фойдаланиш шакллари;

маънавий тарбияни шакллантиришда оила, таълим муассасалари, маҳалла, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ижтимоий тузилмалар ўртасида самарали ҳамкорликни ўрнатish механизми;

тарбияланувчилар билан бирга тарбиячиларнинг ҳам билими ва малакасини мунтазам ошириб боришни на-зарда тутувчи узлуksиз маънавий тарбия тизими;

маънавий тарбияни шакллантиришнинг ҳомилдор-лик давридан бошланиши ва тарбиянинг ҳар бир бос-қичдаги ўзига хос хусусиятлари;

маънавий тарбиянинг тадрижий ривожланиш ва уз-луksизлик тамойилларига асосланиши;

б) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кен-гашини, Ахборот технологиялари ва коммуникациялари-ни ривожлантириш вазирлиги, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази билан биргаликда икки ой муддат-да қуйидагиларни назарда тутган ҳолда, Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитнинг ҳолатини аниқлаш ва манзилли соғломлаштириш методикаси лойи-ҳасини ишлаб чиқсин ва Республика кенгашига кирит-син;

ҳудудлардаги ижтимоий-маънавий муҳит ҳолатини хонадонма-хонадон юриб аниқлаш, тизимли мониторинг ва таҳлил қилишда замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш шакллари;

таҳлил натижаларини "маҳалла-туман-вилоят-республика" принципи асосида ҳудудлар кесими-даги ижтимоий-маънавий муҳит харитасида акс эт-тириш тартиби;

ижтимоий, иқтисодий ва психологик муаммоларни бартараф этишга қаратилган мақсадли ва манзилли тарбиёт-ташвиқот ишларини амалга оширишга доир тавсиялар;

аҳолининг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш-га йўналтирилган инновацион методларни яратиш, ил-мий-амалий дастурларни амалиётга жорий этиш ме-ханизми;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кен-гашини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бил-ан биргаликда уч ой муддатда Марказнинг ҳудудий бўлими ва бўлинмалари ходимлари, давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг маънавий-маърифий ишлар учун масъул ходимларини Марказ ҳузуридаги "Маънавият тарбиётчиси" таълим муассасаси-да тизимли равишда ўқитиш амалиётини жорий эт-син.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига:

"Madaniyat va ma'rifat" телеканалини Марказ, унинг ҳудудий бўлими ва бўлинмалари фаолиятини ёри-тиш масалалари бўйича Республика кенгашининг бош ахборот ҳамкори этиб белгилаш;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон элек-трон оммавий ахборот воситалари миллий ассо-циацияси, Халқаро пресс-клуб ва бошқа оммавий ах-борот воситалари билан биргаликда аҳолининг интел-лектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтиришга, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга, баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган мақолалар, ток-шоу-лар, ижтимоий роликлар, курсатувлар, публицистик чи-қишлар ва эшиттиришлар ташкил қилиш тавсия этил-син.

8. Марказ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Жур-налистлар ижодий уюшмасининг маънавий-маърифий ишларни амалга оширишдаги, юксак ижтимоий-маъ-навий муҳитни шакллантиришдаги самарали меҳнати ва ибратли фаолияти учун давлат органлари ва ташки-лотлар ходимларига топшириладиган "Маънавият фидойиси" кўкрак нишонини таъсис этиш тўғриси-даги тақлифи маъқуллансин.

Марказ манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда "Маънавият фидойи-си" кўкрак нишонини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Марказ ҳузурида "Маърифат" тарбиётчилар жамияти нодавлат нотижорат ташкилоти шаклида таъ-сис этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида-ги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблагларини бошқариш бўйича Пар-ламент комиссиясига "Маърифат" тарбиётчилар жа-мияти фаолиятини давлат субсидияси шаклида қўллаб-қувватлаш тавсия этилсин.

10. Белгилансинки, 2019 йил 1 июндан ягона та-

иқтидорли ўқувчилар захирасига киритилган ўқувчи-ёшлар олимпиадаларнинг тўғридан-тўғри вилоят босқи-чида қатнашиши, олимпиадаларнинг вилоят ва рес-публика босқичи нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари ишти-рокида ўтказилиб, Ўзбекистон Республикаси Халқ таъ-лими вазирлиги веб-сайти орқали онлайн тарзда тўғри-дан-тўғри намойиш этилиши;

олимпиадалар очик ва шаффоф тарзда ўтказилиши, натижалари улар ўтказилган куннинг ўзида эълон қили-ниши;

олий таълим муассасаларига қабул қилинган олим-пиада ғолибларига "устоз-шоғирд" тизими асосида те-гишли соҳада юқори натижаларга эришган малакали мутахассисларнинг бириктирилиши;

асосий олимпиадаларнинг республика босқичи ғолибларига давлат олий таълим муассасаларига ки-риш имтиҳонларида максимал балл олиш ҳуқуқини тақ-дим этувчи сертификат берилиши;

барча босқичдаги олимпиада натижалари, шу жум-ладан, иштирокчилар тўғрисида маълумот, уларнинг ёзма ишлари тўлиқ ахборот тизимига киритилиши ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги веб-сайтида эълон қилиниши.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги "Халқ таълими тизимига бошқару-нинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирла-ри тўғрисида"ги ПҚ-3931-сонли қарорига 3-иловага му-вофиқ ўзгартириш киритилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Админис-трацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуника-циялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агент-лиги ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мақ-сад ва вазифаларини кенг қўламда ёритишни ташкил этсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазир-лиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга-ликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар кирит-син.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош ва-зирининг ўринбосари А.А.Абдуҳакимов зиммасига юк-лансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2019 йил 3 май

риф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқ-ланган разрядларига кўра Марказ, унинг ҳудудий бўлими ва бўлинмалари ходимлари лавозим маошини аниқ-лашда тариф коэффицентлари 1,7 баравар кўпай-тирилган миқдорда қўлланилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Мар-каз, унинг ҳудудий бўлими ва бўлинмалари ходимлари-нинг иш ҳақи миқдорини ошириш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар учун 2019 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида маблаг аж-ратсин.

12. Марказ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳ-камасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сонли қарори билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган дав-лат ҳокимияти органлари, давлат ва ҳўжалик бошқару-ви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа дав-лат ташкилотлари рўйхатига киритилсин.

13. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Ариповга – Чора-тадбирлар дастурини амалга оши-риш харажатлар учун 2019 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида маблаг аж-ратсин.

14. Марказ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳ-камасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сонли қарори билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган дав-лат ҳокимияти органлари, давлат ва ҳўжалик бошқару-ви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа дав-лат ташкилотлари рўйхатига киритилсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзе-бекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2019 йил 3 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сенаторлар томонидан таъкидланганидек, қонуннинг қабул қилиниши иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтиришга, ишлаб чиқаришга энергия тежовчи технологияларни кенг жорий этишга ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтиришга, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ушбу соҳадаги халқро мажбурийлар тўлиқ бажарилишини таъминлашга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин парламент аъзолари "Яйловлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Қонун билан бу соҳадаги давлат сиёсатининг қуйидаги асосий йўналишлари белгилаб берилмоқда: давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда амалга ошириш; яйловларни сақлаб қолишга қаратилган қондалар, нормалар ва нормативларни белгилаш; давлат назоратини амалга ошириш; яйловлардан оқилона фойдаланишни, уларни муҳофаза қилишни, такрор кўпайтиришни ва тиклашни таъминлаш; илмий-тадқиқот фаолиятини ва халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш.

Муҳокама чоғида сенаторларнинг эътибори давлат органларининг бу соҳадаги ваколатларига қаратилди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди, давлат дастурларини тасдиқлайди ҳамда амалга оширади, яйловларни фойдаланиш учун бериш тартибин тасдиқлайди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳудудий дастурларни тасдиқлайди ва амалга оширади, яйловларда чорва молларини ўтлатиш нормалари ҳамда муддатларини тасдиқлайди ва ҳоказо. "Ерегодезкадастр" давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси каби тузилмалар давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш нормалари ҳамда муддатларини белгилашда, чорва молларини ўтлатиш учун участкалар берилишини таъминлашда, ўрмон фонди ерларида яйловлар мониторингини ўтказишда иштирок этади.

Шунингдек, қонунда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда фуқароларнинг яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ташкил этишдаги иштироки механизми мустахкамланмоқда, хусусан, улар яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларга ўтказилишига қўмаклашда ҳамда жамоатчилик назоратини амалга оширади. Яйловлардан фойдаланиш тартиби ҳам белгиланмоқда, улар юридик ва жисмоний шахсларга давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра доимий эгаллик қилишга, ижарага ва вақтинча фойдаланишга берилади, ўрмон фонди ерларида яйловлардан давлат ўрмон ҳўжалиги органларининг руҳсатномаси бўйича фойдаланилади.

Қонунга мувофиқ яйловлардан фойдаланувчилар яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир чора-тадбирларга мувофиқ чорва молларини ўтлатиш ва пичан ўриш, яйлов инфратузилмасини барпо этишга доир ишларни амалга ошириш, яйловлардан фойдаланувчилар билан ҳамкорликни тузиш ҳуқуқига эга. Улар ўз навбатида яйловлардан уларнинг белгиланган мақсадига кўра оқилона фойдаланиш, яйлов ўсимликларини такрор кўпайтиришга қўмаклашишга, ўсимлик қопламани тиклашга доир чора-тадбирларни амалга ошириши шарт.

Бундан ташқари, қонун билан яйловларни муҳофаза қилиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш масалалари тартибга солинмоқда. Жумладан, яйловларни муҳофаза қилиш яйловлардан фойдаланиш, уларни такрор кўпайтириш ва тиклаш қондалари ҳамда нормативлари, чекловлар ва тақиқлар белгилаш, яйловлардан ўзбошимчилик билан фойдаланишнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш, инвентаризациядан ўтказиш, яйловларнинг геоботаник жиҳатдан текширилишини амалга ошириш, мониторингини юритиш, яйловлардан фойдаланиш, уларни такрор кўпайтириш ва тиклаш устидан назоратни амалга ошириш йўли билан таъминланади. Юридик ва жисмоний шахслар зиммасига яйловларни ифлослантирилганлик, улардан оқилона фойдаланмаганлик, уларнинг таназзулга учраганлиги натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш юкланади.

Қайд этилганидек, қонуннинг қабул қилиниши аҳоли учун, шунингдек, экспорт қилиш учун озиқ-овқат товарлари, гўшт-сут маҳсулотлари захирасини ошириш мақсадида яйловлардан оқилона фойдаланишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини ва янги имкониятларни яратишга қўмаклашди. Сенаторлар қонунни маъқулладилар.

Сўнгра Сенат аъзолари "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Қонун билан Жиноят кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибин бузганлик учун жиноий жавобгарлигини кучайтиришни, ов, балиқ овлash маҳсулотини, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиш ва тайёрлаш маҳсулотини қабул қилганлик учун жазималар миқдорини оширишни, дарахтлар, буталарни, бошқа ўрмон ўсимликларини ва ниҳолларни гайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилганлик учун жазималар миқдорини оширишни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда. Бундан ташқари, ўрмонларни тиклаш қондаларини бузганлик, "Қизил китоб"га киритилган ўсимликларни йиғганлик, ўрмон учун фойдаланган фаунани йўқ қилиб юборганлик, ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузганлик учун жазималар миқдорини ошириш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, қонун билан ов қилиш ва балиқ тутиш қондаларини, ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қондаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик кучайтирилмоқда. Ов қилиш ва балиқ овлash тақиқланган қуролларни ёки воситаларни тайёрлаганлик, олиб кирганлик, сақлаганлик, ташиганлик ёки юборганлик, олганлик ёхуд сотганлик, ҳайвонлар яшайдиган муҳитни муҳофаза қилиш қондаларини, зоологик ва ботаник коллекцияларни вужудга келтириш ва улар билан савдо қилиш қондаларини бузганлик, худди, шунингдек, ҳайвонларни ўзбошимчилик билан бошқа жойга кўчирганлик, иқлимлаштирилган ёки чаширилганлик учун ҳам маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Бундан ташқари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 111-моддасига ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлганлик учун жавобгарлигини кучайтиришни назарда тутувчи ўзгартиш киритилмоқда.

Жиноят кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Банкротлик таомилларини янада соддалаштириш ва суд бошқарувчилари фаолиятини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 1 февралдаги қарорининг 8-бандига мувофиқ сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келганлик жиноий ва маъмурий жавобгарлигини кучайтиришни назарда тутувчи ўзгартириш киритилмоқда. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар "Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юришти" йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2019 йил 5 февралдаги қарорига мувофиқ Иқтисодий процессуал кодексига иқтисодий судда низоларни ҳал қилиш усули сифатида судгача мажлис ўтказиш имконини берадиган тартиб жорий этишни, суд муҳокамасини қолдиришларнинг максимал миқдорини белгилашни (3 марта), шу жумладан, иқтисодий ишлар бўйича суд муҳокамасини қолдиришларнинг (10 кун) ва танаффусларнинг (3 марта) максимал муддатини белгилашни, шунингдек, фақат қўтилмаган сабаблар ва фавулдода ҳолатлар юз берганда суд муҳокамасини қолдириш ёки танаффус эълон қилиш мумкин бўлган ҳолларни аниқлашни назарда тутувчи ўзгартириш киритилмоқда.

Қайд этилганидек, қонуннинг қабул қилиниши Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юришти" йиллик ҳисоботи кўрсаткичларида назарда тутилган шарт-шароитлар мамлакатимизда тезроқ жорий этилишини таъминлайди ва яқинда қўлай инвестиция муҳитини шакллантиришга ва ушбу рейтингда Ўзбекистоннинг ўрнини оширишга қўмаклашади. Сенаторлар қонунни маъқулладилар.

Сўнгра сенаторлар "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари мувофиқ бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат божона хизмати тўғрисида"ги қонунига ва Бюджет кодексига тахририй ўзгартиришлар киритилмоқда. Бундан ташқари, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунга пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинган ойллик иш ҳақининг энг кўп миқдорини энг кам ойллик иш ҳақининг саккиз бараваридан ўн бараваригача оширишни назарда тутувчи ўзгартириш киритилмоқда.

"Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги қонун ҳам янги норма билан тўлдирилди, унга кўра тиббий маълумотларга эга бўлмаган шахслар ҳам Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Халқ табибати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш бўйича махсус комиссиянинг ҳулосаси асосида тиббий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

"Турғун органик ифлослантирувчи моддалар ҳақидаги Стокгольм конвенциясининг (Стокгольм, 2001 йил 22 май) ратификация қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Таъкидланганидек, Турғун органик ифлослантирувчи моддалар ҳақидаги Стокгольм конвенциясининг (Стокгольм, 2001 йил 22 май) ратификация қилиш Препаренциялар бош тизими "ПБТ-1" доирасида мамлакатимиз товарларини Европа бозорига етказиб беришда Ўзбекистон қўшимча тариф преференцияларини олиши учун ЕИ шартларидан бири ҳисобланади. Конвенция қиллоқ ҳўжалиги ва кимё саноатида фойдаланиладиган ҳамда инсон соғлиги ҳамда ер ва сув ресурслари ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган 26 та энг хавфли кимё бирикмасини ишлаб чиқаришни ва улардан фойдаланишни тақиқлайди ёки анча чеклайди.

Қайд этилганидек, Конвенциянинг ратификация қилиниши Ўзбекистон Республикасидан Конвенция котибиятига хавфли кимёвий моддаларнинг мавжуд ҳажмлари тўғрисида ахборот тақдим этишни, турғун органик ифлослантирувчи моддалар муомаласини тақиқлаш ёки чеклашни, шунингдек, Конвенция кучга кирганидан кейин 2 йил давомида ишлаб чиқариладиган Миллий ҳаракатлар режасига мувофиқ уларни экологик хавфсиз олиб ташлашни талаб қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар Тошкент вилоятининг Зангиота тумани ва Тошкент шаҳрининг Сергели тумани чегараларини ўзгартириш, шунингдек, Навоий вилояти Нурота тумани Ҳозгон шаҳарчасини Ҳозгон шаҳри элиб ўзгартириш, Ҳозгон шаҳрини вилоят бўйсунувчи шаҳарлик туркумига киритиш ҳамда Навоий вилояти Нурота тумани чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тақлифига биноан Сенатнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Сенаторлар "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" Давлат дастурининг 2019 йил биринчи қорғидаги ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи ҳақидаги масалани кўриб чиқдилар.

Ҳисобот даврида иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари, макроиқтисодий барқарорликка ва ҳорижий инвестицияларнинг кенг жалб этилишига эришилганлиги таъкидланди. 2019 йилнинг биринчи қорғида Давлат бюджетни даромадлари 23 триллион сўмни, харажатлар 24,1 триллион сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан кўрсаткичлар тегишли равишда 1,6 ва 1,7 баравар ошди.

Ҳисобот даврида ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, одамларнинг ишончли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Йил бошидан умумий суммаси 341,2 миллион сўмлик 32 та саноат объекти ва ижтимоий инфратузилма объектлари фойдаланишга топширилди, 1806 та янги иш ўрни яратилди.

Қиллоқ аҳоли пунктларида муҳандислик ва транспорт коммуникацияларини, ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш ишлари олиб борилди. Жумладан, бу йили 15 635 та квартирага мўлжалланган қиллоқ жойларда 15 010 та, шаҳарларда 355 та арзон кўп қаватли уй барпо этиш ишлари юқори суръатларда давом эттирилмоқда.

Ҳисоботни муҳокама қилиш чоғида сенаторлар Дав-

лат дастури мониторинги натижаларига эътибор қаратдилар. Масалан, амалга оширилиши назарда тутилган 63 та банднинг 46 таси тўлиқ бажарилган, 11 та банд бўйича тадбирлар ҳали ўтказилмоқда, 6 та банд бўйича эса ишларни бажариш муддатлари узайтирилди.

Хусусан, жорий йил 1 мартга ҳокимиятнинг вакиллик органлари фаолияти очиклигини таъминлаш мақсадида "Электрон парламент" тизимини жорий этиш назарда тутилган. Шу муносабат билан Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарорига кўра амалга оширилиши зарур бўлган иш белгилаб олинди. Бироқ Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси томонидан маблағлар ажратилмаганлиги туфайли ишлар амалда деярли бошланмади.

Бундан ташқари, Дастурнинг 130-бандида 1 мартга қадар қўшимча қиймат солиғидан озод этиладиган технологик ускуна ва хом ашё рўйхатини қайта кўриб чиқиш назарда тутилган. Бу жуда муҳимдир, чунки мамлакатимизда ички бозорни сифатли маҳсулот билан тўлдирish ва экспортни ривожлантириш учун янги ишлаб чиқариш технологияларини кенг жорий этиш жараёни давом этмоқда. Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган ҳисоботда бу банднинг бажарилганлиги қайд этилган. Бироқ мониторинг Давлат дастурининг мазкур банди бугунги кунда ижро этилмаганлигини кўрсатди.

Дастурнинг 153-бандида санитария-эпидемиология хизматини янада тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар қўришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини 15 февралгача тайёрлаш қайд этилган эди. Бу самарасиз санитария-гигиена лабораторияларини мақбуллаштириш ва уларнинг негизда замонавий туманлар лабораториялар ташкил этишга, вакциналар омборларини, санитария-эпидемиология назорати марказларини таъмирлаш ва қайта қуришга, ҳуқуқий химоя қилиш органлари ва тиббий муассасалари ўртасида юқумли касалликлар ҳамда оммавий захарланмишларга доир ахборот алмашиш бўйича ягона дастурни ишлаб чиқишга имкон берган бўлар эди. Муҳокама чоғида Давлат дастурининг бошқа бандларининг ҳам бажарилмаслиги сабаблари тахлил қилинди.

Амалий муҳокама давомида маъсул вазирлар, идоралар ва вилоят ҳокимликлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳамда ижтимоий тармоқлар имкониятларидан кенг фойдаланиш орқали аҳолини, айниқса, ёшларни Давлат дастури ижросининг боришидан хабардор қилиш самарадорлигини ошириш зарурлиги қайд этилди. Шу муносабат билан сенаторлар томонидан бу йўналишдаги ишларни кучайтириш зарурлиги тўғрисида аниқ тақлифлар айтилди.

Эшитув ақуларни бўйича Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшитдилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2018 йилдаги фаолияти бу соҳани тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган стратегик мақсадли йўналишларга мувофиқ амалга оширилганлиги таъкидланди. Хусусан, кучли инфляция босими шароитида мамлакат банк тизимининг юқори бўсини бўлган Марказий банк томонидан нархларнинг ўзгармаслигини таъминлашга қаратилган пул-кредит сиёсатини ва тегишли механизмларни тақомиллаштиришга доир чора-тадбирлар натижасида йиллик ҳисоб-китобда инфляция даражасини йил бошидаги 20,1 фоиздан йил охирида 14,3 фоизгача камайтиришга эришилди.

Шунингдек, инфляцияни таргетлаш режимида босқичма-босқич ўтиш ишлари фаол амалга оширилмоқда, алоҳида жараёнларни таҳлил қилиш ва прогнозлаштириш тизими жорий этилди, пул-кредит соҳасида олиб борилаётган ишлар моҳияти, мақсадлари ва натижалари тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш бўйича ишлар йўлга қўйилди.

Пруденциал назоратнинг замонавий механизми — халқаро амалиётда кенг қўлланилаётган стресс-тест моделлар ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Банк тизимида давлат улушини камайтиришга қаратилган тайёрлов ишлари доирасида давлат улушига эга банклар фаолиятига замонавий бошқарув принципларини жорий этиш бўйича аниқ мақсадли тадбирлар ўтказилди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида иқтисодиёт учун ажратилган кредитларнинг умумий миқдори 100,7 триллион сўмни ташкил этди. Уларнинг ЯИМдаги улуши 16,3 фоиздан 24,7 фоизгача ошди. Кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали ёшлар ва аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, бандликка қўмаклашиш ва аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида берилган кредитлар ҳажми 15,4 триллион сўмни ташкил этди.

Қайд этилганидек, ҳисобот даврида банк тизимининг молиявий барқарорлигини ривожлантириш ва таъминлаш бўйича тадбирлар молия муассасаларининг фаолиятини бозор тамойиллари асосида хусусий ва хорижий капитал иштирокини кенгайтириш орқали ташкил этиш учун қўлай шарт-шароитлар яратишга ва рақобат муҳитини яхшилашга қаратилди. Натижада тижорат банкларининг умумий капитали 29 фоизга ёки 6 триллион сўмга ошди, 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра 26,7 триллион сўмни ташкил этди. Бунда устак капиталга ҳажми 21 фоизга ошди ва 19,7 триллион сўм бўлди. Ўз навбатида, банклар умумий капитали ошиши ва базавий ресурслар мустаҳкамлигини иқтисодиёт реал секторининг субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш имкониятларини янада кенгайтирмоқда.

Шу билан бирга, мажлисда Марказий банк 2019 йилда банк тизимини ислоҳ қилиш ва молиявий барқарорликни кучайтириш йўналишида банкларнинг устак капиталда давлат улушини босқичма-босқич камайтириши, хусусий ва хорижий капитал иштирокини кенгайтириши, тижорат банклари, банк бўлмаган кредит ташкилотларининг тўлақонли фаолиятини бозор тамойиллари асосида таъминлаш зарурлиги сенаторлар томонидан таъкидланди. Кўрсатилмаган хизматлар қамровини илгор молиявий технологиялар асосида янада кенгайтиришга, банклараро тўлов тизими барча миқозлар учун узлуксиз ишлашини таъминлашга, миқозлар ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш ва молиявий савдоқонлигини ошириш орқали хизматлардан ҳамма фойдаланишига эришиш бўйича чора-тадбирларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди. Муҳокама ақуларни бўйича Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн тўққизинчи ялпи мажлисининг биринчи иш қуни ақуланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

Фуқаролар йиғини раислигига сайловлар

Юртимизда бўлиб ўтаётган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови маҳалланинг чин маънодаги аҳиллик, маънавият, ибрат ва тарбия бешиги эканини яна бир қарра амалда исботламоқда.

АСТОЙДИЛ ИШЛАЙДИГАН ДАВР КЕЛДИ

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Ал-Хоразмий номидаги маҳаллада ҳам фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови муваффақиятли ўтди. Бу ерда сайловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёни ошқоралик, муқобиллик ҳамда тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида амалга оширилди.

Мазкур сайлов жараёни юксак савияда ўтказиш учун давлат органлари фуқаролар йиғинларига қўмаклашмоқда. Зарур ҳолларда уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Ушбу маъсулиятли жараённинг нечоғли юқори савияда, ошқоралик, ҳолислик ва ҳаққонийлик тамойилларига қатъий амал қилган тарзда ўтиши маҳаллаларнинг келгусидаги равангага, улардаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилашда, оилавий ажримларнинг олдини олишда, ёшлар маънавиятининг тўғри шакллантиришда муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.

Ал-Хоразмий маҳалласида бўлиб ўтган сайловда мазкур фуқаролар йиғинида истиқомат этаётган уч нафар номзод оқсоқоликка даъвогарлик қилди. Улардан энг нуносиби маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди.

Дарҳақиқат, юртимизда бўлиб ўтаётган маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловлари кўпчиликка бошчилик қилмоқчи бўлган ҳамюртларимиз энди астойдил, энг шимариб меҳнат қилиши, билдирилган юксак ишончга нуносиб бўлиши, маҳалладошлари олдидаги ваъдаларининг устидан сўзда эмас, амалда чиқиши кераклигини кўрсатмоқда.

(ЎЗА)

ҚОНУН МЕЪЁРЛАРИ АСОСИДА ЎТДИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ишохотлар самарасида ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб усули бўлган маҳалланинг давлат ва жаҳмиат ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти тобора ортомқда. Маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг салоҳияти, ташкилотчилик қобилияти, фидойилиги ва тажрибаси ҳудудда кўплаб масалаларни ҳал этишда алоҳида аҳамиятга эга. Бинобарин, ушбу вазифага катта ҳаётий тажрибага эга, аҳолининг ҳурмат ва ишончига сазовор бўлган нуносиб номзодларнинг сайлини муҳимлигини ҳаётинг ўзи кўрсатмоқда.

Шу қунарда мамлакатимизда бўлиб ўтаётган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловларида аҳоли фаол иштирок этиб, энг нуносиб номзодларга овоз бермоқда.

Юнособод туманида жойлашган, ўз номи билан "Аҳилобод" дея номланган маҳаллада фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови ҳам ушохқолик билан ўтди. Раисликка номзодликка шу маҳаллада бир неча йилдан бери яшаб, маҳалла ҳаёти билан яхши таниш бўлган ҳуқуқшунос Туралбай Қарақулов, ички ишлар соҳасида фаолият кўрсатган Адилжон Сулаймонов ҳамда бир неча йиллар давомида халқ таълими соҳасида ишлаган, 2006 йилдан бери маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият олиб бораётган Вячеслав Кимлар қўйилди.

Маҳаллада 6000 га яқин аҳоли бўлиб, 36 та кўп қаватли уйда 24 миллатта мансуб 2066 та оила яшайди.

— Маҳалламизда турли миллат вакиллари истиқомат қилса-да, биз жуда аҳил, иноқ яшаймиз, — дейди ўқитувчи Ёқутжон Мирҳабиво. — Қуни кеча ҳудудда яна бир янги уй қурилиб, кам таъминланган, ногиронлар бўлган оилаларга топширилди. Бизда ҳеч ким эътибордан четда қолмайди. Кексаларнинг ҳолидан хабар олишда, иш билан банд бўлмаганларга иш тақлиф қилишда, Ёшлар тарбиясида баҳоли қудрат ўз ҳиссамизни қўшиб борамиз. Доимий равишда байрамлар, мактабларда ўтказиладиган тадбирларга тақлиф этиб туришда. Бугунги сайлов ҳам қонун меъёрлари асосида ўтди. Биз сайловда иштирок этиб, ўзимизнинг нуносиб номзодимизга овоз бердик. Ўйлайманки, ишонч билдириб сайлаган раис фуқаролар олдидаги бурч ва вазифаларини чуқур ҳис этган ҳолда иш олиб боради.

Сайлов кўтаринки руҳда ўтказилди. Бу йил яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда В.Ким маҳалла фуқаролар йиғини раислигига сайланди.

Зийода РАСУЛОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Jasorat servis" масулуятли чекланган жаҳмиятининг 2019 йил 2 майдаги 6-сонли қарорига кўра, ушбу жаҳмиятнинг қайта ташкил этилиши ва унинг "Braver" масулуятли чекланган жаҳмиятига қўшиб олинмиши маълум қилинди. "Braver" масулуятли чекланган жаҳмияти "Jasorat servis" масулуятли чекланган жаҳмиятининг барча кредиторлари ва қарздорларига нисбатан барча мажбуриятлар бўйича, шу жумладан тарафлар баҳсашабабтан мажбуриятлар бўйича ҳам, ҳуқуқий

9 май – Хотира ва Қадрлаш куни

Дунёда шундай табарруқ инсонлар яшаб ўтадиларки, улар халқига, Ватанига қилган фидокорона хизматлари эвазига одамларнинг қалбида асрлар давомида абадий сақланиб қоладилар. Шундай табарруқ инсонлар қаторига Исмоил ота Салиховни ҳам қўшсак хато бўлмайди.



ИБРАТЛИ УМР

1913 йилда туғилиб, олти ёшлардаёқ оналаридан етим қолиб, болалик чоғларидан бошлаб кўпгина ҳаёт синовларидан ўтган Исмоилжон эски мактабда, рус-тузем мактабда, "РабФак"да ўқиб, ўрта маълумотларни бўлиб, ўз устиларига жуда кўп ишлаб, ўша нотинч даврдаги ҳаёт қийинчиликларига бардош бериб, 1930 йилда Тошкент кишлоқ хўжалиги ирригация ва механизация институтининг "Кишлоқ хўжалиги механизацияси" факультетига ўқишга қабул қилинди.

хўжалиги механизацияси" кафедрасида, кейинчалик 1977 йилдан бошлаб "Кишлоқ хўжалиги энергетикаси" кафедраси мудири вазифасида фаолият юритиб, 68 та ўқув қўлланмаларини, шулар қаторида 28 та китобни рус тилидан ўзбек тилига таржима қилганлар. 8 та китоб, 32 та мақолаларни чоп эттирганлар. 1967 йилда собиқ иттифок Вазирлар Кенгаши қoшидаги "Иттиролар, янгиликлар ишлари бўйича кўмита"нинг ижтимоий гувоҳномасига сазовор бўлганлар.

1969 йилда "Ўқитувчи" нашриёти томонидан "Тракторлар, автомобиллар ва кишлоқ хўжалик двигателлари" деб номланган 35 босма таърихли иборат дарслик, шунингдек, ўқув қўлланмалари чоп этилган. 1967 йилда Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан уларга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор" унвони берилди, факрий ёрлик билан мукофотланганлар. 1970 йилда фан номзоди, доцент унвонига сазовор бўлганлар. Исмоил Салихов 1993 йилга қадар иш фаолиятларини тўхтатмасдан халқимиз фаровонлиги йўлида доим ҳалол меҳнат қилдилар. 2012 йилда "Тракторлар ва автомобиллар" деб номланган ўқув дарсликлари лотин алифбосида "Chopron nomidagi nashriyot-matbaa ijodiyoti" tomonidan nashr etildi.

Исмоил ота давлатимизнинг кўпдан-кўп медал ва орденларига лойиқ деб топилган. Шу жумладан "Ватан уруши" ордени ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг иккита Фахрий ёрлиғи билан мукофотланганлар. Раҳматли отамиз 1994 йилда 81 ёшларида дунёдан ўтганлар. Улар биз фарзандларини ҳаётимизда қандай ҳолат бўлишидан қатъи назар ёлгон гапирмасликка, сабр қилиб, халол турмуш кечиришликка, доим халқим, Ватаним, оилам деб яшашга ўргатганлар, панду насиҳатлар қилганлар. Фарзандларига бўлган бундай талаб бизларни ҳаётимиз давомида катта ютуқларга эришишимизга замин яратди.

И жaxon уруши даврида ва урушдан кейинги қийинчилик йилларда отамизни 58 йил давомида қўллаб-қувватлаб, уларга ҳар тарафлама кўмак берган, бизларни тарбиялаб, етук инсонлар қаторида бўлишимизга ўзларининг катта хиссаларини қўшган волидаи муқтарамимиз Наима онамизга раҳматлар айтиб, ёд этишни ҳам ўзимизнинг фарзандлик бурчимиз деб ҳисоблаймиз.

ШУХРАТ САЛИХОВ, техника фанлари номзоди, доцент ШАВКАТ САЛИХОВ, Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси Фанлар академиясининг академиги

ИНСОНИЙЛИК САБОҚЛАРИ АСЛО УНУТИЛМАЙДИ

Олам яралибдики, дунёнинг гултожиси инсон бўлса, инсонларнинг буюги ва суюги устозлару муаллимлардир. Жами одамзот борки, ўзига илк таълим берган, унга дунё маънавий, маърифий дурдоналари хазинасини оча олувчи қалитни қўлига тутқазган зотни устоз деб улуғлайди. Оламдаги барча яхшилик, илим ва билим, меҳр-саховат улар туфайлидир.

Шундай инсонлар борки, гарчи улар орамизда бўлмасалар ҳам эзгу ишлари, маънавиятимиз, маданиятимиз, фаннимиз тараққиётига қўшган хиссалари доимо эл ёдида бўлади. Атоқли файласуф олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси бўлган, фалсафа фанлари доктори, профессор, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори Хайдар Пулатов ҳам истеъдоди ва инсоний хислатлари билан эл оғзига тушган, қалби кенг, саховатли, матонатли ва танти инсон эди.

Домла ақл-заковати, одамийлиги, ўзи ва ўзганинг шахсини қадрлай билиши, зарур пайтда ёрдамини аямаслиги, баргикенглиги, мустаҳкам иродаси билан кишиларнинг хурмат-эътиборига сазовор бўлиб, уларнинг қалбидан бир умрга жой олганди. Бундай кишилар мангуликка сазовордирлар.

Хайдар домла кириб келган жойларига ўзлари билан бирга гўё ёруғлик, файз олиб киргандек бўларди. У киши зарур пайтда ўта жиддий, лекин ўрни келганда хушқачқаликни, ҳаётдан завқланишни, ёқимли кулгунни севардилар, аския ва юморни назик хис қила олардилар. Бироз салмокониби, чиройли ташбеҳлар ишлатиб, файласуфони сўзлашлари катта таассурот қолдирарди.

Одатда олимлар замон билан бирга қадам ташлаб, унинг талабларига ў ёки бу даражада жавоб бериб келадилар. Хайдар Пулатовга хос иқтидорнинг энг ёрқин белгиси – бу воқеликни олдиндан кўра билиш, унга ўз муносабатини билдириш салоҳиятидир.

Ўзининг эркин фикрига эга бўлган, эркин фикрлашни севган кишиларни бениҳоя қадрлаган Хайдар аха халқига, Ватанига содиқ олим сифатида ўшандай мураккаб даврда ҳам миллийликни ҳимоя қилишга, миллий гуруру, миллий ифтихорни шакллантиришга ўзида куч ва ирода топа олди.

Миллий истиқлолни зўр маънуният, чексиз қувонч билан қутиб олган Хайдар Пулатов "Она Ватани, қадрдон халқи иқболи ва тақдирига бефарқ бўлишининг, ўз халқи қайғу-алами, орзу-умиди ва қувончига шерик бўлмасликнинг гуноҳи оқпадарликдан ҳам оғирдир" деб ёзган эди.

Домла энг аввало олим киши муайян халқнинг вақили сифатида миллий ўзлигини англаб олиши зарур эканлигини қайта-қайта такрорлашга журъат этганлардан бири ҳисобланади ва у фалсафа, ҳуқуқ ва маънавий қадриятларга оид 300 дан ортиқ мақолалар, рисоалар яратди. Ўзининг "Миллий уйғониш давлати", "Мустақиллик масъулияти", "Маънавий мерос", "Инсонпарварлик", "Ватанпарварлик", "Мустақиллик қадриятлари" каби илмий-оммابоп мақолаларида миллий мафкура ва сиёсатнинг мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида тутадиган ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ назарий муаммоларни илмий таразда ёритиб беришга эришган эди. "Фалсафа ва гуманизм муаммолари", "Ижтимоий адолат ва инсон омили" каби рисоалари, вафотидан кейин нашр этилган "Мен сизни яхши кўра эдим, одамлар" мақолалар тўпламида домла инсоннинг жамиятда тутган ўрнига алоҳида эътибор берган. Инсон мавзуси, инсоний жамият қуриш, инсон тарбияси масалалари унинг тадқиқотларида бош

масала қилиб қўйилганди. Хайдар Пулатов ҳам ҳуқуқшунос, ҳам файласуф ва тарихчи олим сифатида ўз Ватанининг, миллатининг жонқуяри, асл фарзанди эди... "Ўзбекининг иззати, қадр-қиммати, бахти, ўзбекнинг қалби – Ватанидир" деб таъкидлаган эди. У кишининг айтган ҳар бир сўзи, каломи остидан чиққан ҳар бир фикрига жамоатчилик бефарқ қарамасдан, ўзининг у ёки бу тарафдаги муносабатини билдирар эди. "Хайдар – деб ёзганди домланинг сифдшоҳ дўсти, танikli адабиётшунос олим, Ўзбекистон қаҳрамони Озод Шарофиддинов, – журъатли тафаккур эгаси эди. – Шунинг учун ҳам инсон ҳаёти учун гоят муҳим муаммоларни кўя билди. Улар ҳақида ҳақиқатни айта билди".

Хайдар домла халқига, Ватанига содиқ олим сифатида юртимизнинг мусавфо осмонида қора булутлар қуюқлашган мураккаб даврда ҳам миллийликни ҳимоя қилишга, миллий гуруру, миллий ифтихорни шакллантиришга ўзида куч ва ирода топа олди. Зеро, у "Миллатимизда мансуб кишилар тақдирини ўз тақдирини топи билан ўйлайман. Ўзбегим она заминимизнинг қайси бурчатида яшамасин, унинг ғам-ғусса-сиға ҳам, қувончига ҳам шерикман. Чунки биз шу буюк миллатнинг, ҳазрати ўзбекнинг фарзандимиз", деб бежиз ёзмаганди.

Домла маънавий, маърифат, тарбия масалаларига ҳам илмий-назарий, ҳам амалий томондан эътибор бераётган, энг аввало ўсиб келаятган ёш авлодни одобли, ахлоқли, ўз миллати, келиб чиқishi, маданиятидан фойдаланиш туйғусини тарбиялашни энг муҳим вазифа деб билган эди.

Х.Пулатов Тошкент автомобиль ва йўллари институтига Фалсафа кафедрасининг мудири, проректор лавозимларида ишлаган кезларида асосий эътиборни ёшларни маърифатли, билимли қилиб тарбиялашга қаратиб, энг аввало ҳар бир талабада етук инсоний хусусиятларни кўришга, уларда инсонпарварлик хисларини тарбиялашга ҳаракат қилган ва бунинг уддасидан чиқа олган эди.

Инсоний жамият қуриш, инсон тарбияси масалалари домла тадқиқотларида бош масала қилиб қўйилганди. У киши доим ҳақиқий инсонларга дўст бўлиб келиди, кимда-ким ёрдамга муҳтож бўлса, ундан ҳимматини аямасдан эди.

Одатда инсоннинг номини бу дунёда абадийлаштирадиган унинг фарзандлари, шогирдлари ҳамда ўз халқи, она Ватан учун адо этган хизматларидир. Домланинг фарзандлари ҳам ўз падари бузрукворларининг номини юқори кўтариб келмоқдалар. Хайдар Пулатовнинг шогирдлари ҳам кўп. У киши раҳбарлигида олимлик даражасига эришган илм толиблари бугун мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ўз хиссаларини қўшмоқдалар.

Хайдар Пулатов ҳаёт бўлганларида бу йил 90 ёшни қаршилар эдилар. Домла ҳаётлигида одамлар қалбига жо этган ибратлари, биз каби шогирдларига илмдан, маърифатдан ва энг асосийси одамийлик, инсонийликдан берган беқеъ сабоқлари дилимиздан асло ўчмайди.

Шавкат ЁҚУБОВ, Республика халқ таълими аъlochиси, меҳнат фахрийси

ЎША МАШЪУМ ЙИЛЛАР...

Иккинчи жаҳон уруши йилларида эришилган галабага Ўзбекистон халқи ҳам мардонавор ҳисса қўшди. Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадий академияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги «Ўзархив» агентлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилган кўرғазма томошабинларга айни жиҳатлар хусусида атрофлича маълумот бериши билан аҳамиятли бўлди.


Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуриддинов ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, фронт орти фидойи, меҳнат фахрийларига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиши, уларнинг кўнгилни кўтариши, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий сазй-ҳаракатларини халқимиз тўлиқ қўллаб-қувватлаётганини таъкидлади.

Кўрғазмада қўллаб қимматли архив ҳужжатлари, газета ва китоблар, фотосуратлар намойиш этилмоқда.

...Бир гала мовий кўзли қизчалар табассум билан объективга қарайди. Агар сурат тагида "Ўзбекистонга эвакуация этилган гўдақлар" деган ёзув бўлмаса, унинг уруш йилларида тасвирга муҳрланганига ҳеч ким ишонмайди. Мана бир гуруҳ навжувонлар заводдаги эркаклар ишлайдиган оғир станокларда қора мойга ботиб меҳнат қилмоқда. Кўрғазмадан ўрин олган фотосуратларда миллионлаб ўзбекистонликларнинг фидокорона меҳнати, галаба онларини яқинлаштириш йўлидаги жасорати акс этган.

Кўрғазмада Иккинчи жаҳон уруши йилларига оид ҳужжатли фильмлар, давлат ва жамоат арбобларининг овозли ёзувлари, 1941-1945 йилларнинг куй-қўшиқлари, ўша оғир даврга оид буюм ва ашёлар билан танишиш мумкин. Эътиборга молик жиҳати, мазкур кўрғазма ҳар бир томошабинни тинч ва осойишта, дорилмон кунларнинг қадрига етишга, қадрдонларни, бир-биримизни асраб-авайлашга ундайди.

Н.УСМОНОВА, Ўза мухбири



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРЛИДИР

Гумон имондан айиради.

Йўлини билган қанд ейди, йўлини билмаган панд ейди.

Яхшиликнинг иси чиқар, Ёмонликнинг миси.

Уруғинг билан эмас, ҳосилинг билан мақтан.

Сабр қилган йотади, Сабрсизлар йитади.

Вақтнинг ортидан югур, Бирор иш қилиб улгур.

Гапи кўпнинг иши кам бўлади.

Қуруқ сабрнинг ўзи кифоя эмас, ҳаракат ҳам керак.

Қаноатсизлик кишини хор қилади.

Тасодиф гоҳ омад келтиради, гоҳ кулфат.

Ким имкон қидиради, ким таскин.

Тушқунликнинг давоси — меҳнат.

Меҳнатдан зўр ҳабиб йўқ.

Тер тўққан қуруқ қолмас.

Дарди йўқни тинглама.

Учқун ўз-ўзидан алангага айланмайди.

Меҳнат — буюк халоскор.

Ҳаддини билмаган панд ейди.

Ўйлаб босилса қадам, Мақсадга етар одам.

Ҳаёт қутилмаган воқеалари билан кизик.

Ҳаётнинг қувончи ҳам, ташвиши ҳам одамлар билан.

Қониқиш туймасанг, ҳаётнинг кизиги йўқ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент темир йўл муҳандислари институти қошидаги 2-сонли академик лицейи томонидан 2016 йилда Атаханов Арслан Юсуфжонвич номига берилган L № 289229 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎзДЖТУ ҳузурдаги РИАИМ томонидан 03.01.2019 йилдан 28.02.2019 йилгача Гузачева Надия Исламовага берилган МА № 018328 рақамли қайта тайёрлаш малака аттестати йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Тошкент шаҳрида 8 май куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 15-17, кундузи — 30-32 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига қура, 8 майда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси наст бўлади.



Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Ўзбонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2174 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ